
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ҚЎҚОН ШАҲРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАМДА “ҚЎҚОН” ЁШЛАР КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, кеча вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Қўқон шаҳрида бўлиб, шаҳарда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг бориши, берилган топшириқлар ижроси ҳамда “Қўқон” ёшлар кичик саноат зонасидаги лойиҳалар билан танишди.

Хайрулло Бозоров, “Қўқон” ёшлар кичик саноат зонасида лойиҳа ташаббускорлари ҳамда шаҳар масъуллари иштирокида мулоқот ўтказди. Саноат зонасига жойлаштирилган жами 64 та лойиҳанинг 16 тасида қурилиш ишлари якуний босқичга кириб, янги корхона биноларининг том қисми ёпилгани, 33 тасида қурилиш ишлари жадаллик билан давом этаётгани маълум бўлди. Ҳозирда бир нечта корхонада шу жумладан арматура, текстиль маҳсулотлари, резина маҳсулотлари ва МДФлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш бошланган. Умумий қиймати 266 миллиард сўм бўлган жами лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида 2,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Тадбиркорлар вилоят раҳбарига корхоналарнинг газ таъминотини тўла йўлга қўйиш масаласида кўмак сўрадилар. Вилоят ҳудудий газ таъминот идорасининг масъулиятсизлиги натижасида Республика бюджетидан кичик саноат зоналарини газ билан таъминлаш ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилмай қолгани қайд этилиб, ҳозирда бу муаммони бартараф этиш ҳамда белгиланган ишларни жадаллаштириш бўйича иш ташкил этилгани маълум қилинди.

Вилоят ҳокими, шунингдек Кореянинг Hanshin Engineering & Construction компанияси томонидан Қўқон шаҳрида барпо этилиши режалаштирилаётган K-Town шаҳарчаси учун мўлжалланаётган ҳудудни ҳам кўздан кечириб, лойиҳанинг шаҳарнинг келгуси йиллардаги бош режаси билан уйғунлигини таъминлаш бўйича кўрсатма берди.

Хайрулло Бозоров, Қўқон шаҳри ҳокими ва секторлари раҳбарлари билан маҳаллаларда тизимли иш ташкил қилиш, шаҳар мактабларида давоматни таъминлаш, шаҳарда жинойтчиликни камайтириш каби долзарб масалалар юзасидан муҳокама ҳам ўтказди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-24 16:41:43